

## “Аллоҳим! Мени фақирликдан бой қил!”



10:00 / 21.05.2021 5168

Имом Табароний ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳнинг дуо қилса қабул бўлишига сабаб бўладиган исми аъзами «Қулиллоҳумма мааликал мулки...» оятидир», деганлар», деб айтганлар.

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Фотима розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, ходим сўради. Шунда у зот унга:**

**«Аллоҳумма, Роббас-самааваатис-сабъи ва Роббал-аршил-азийм. Роббанаа ва Робба кулла шайъин, мунзилат-таврооти вал-инжийли вал-Қуръаани! Фаалиқол ҳабби ван-наваа! Аъузуз бика мин шарри**

**кулли шайъин анта аахизун бинаа-сийатиҳи, антал-Аввалу фа лайса қоблака шайъун. Ва антал-Аахиру фа лайса баъдака шайъун. Ва антаз-Зоҳиру фа лайса вафқока шайъун. Ва антал-Баатину фа лайса дуунака шайъун! Иқзи ъанни ад-дайна ва ағнинии минал-фақри» дегин», дедилар».**

*Муслим ва Термизий ривоят қилишган.*

Дуонинг маъноси:

*«Аллоҳим! Эй етти осмоннинг Робби ва улуғ Аршнинг Робби! Эй Роббимиз ва барча нарсанинг Робби! Эй Таврот, Инжил ва Қуръонни нозил қилувчи! Эй донни ва данакни ёрувчи! Мен Сендан Ўзинг пешонасидан тутувчи ҳар нарсанинг шарридан паноҳ тилайман. Сен аввалсан! Сендан олдин ҳеч нарса йўқ! Сен охирсан! Сендан кейин ҳеч нарса йўқ! Сен зоҳирсан! Сендан устун ҳеч нарса йўқ! Сен ботинсан! Сенинг ортингда ҳеч нарса йўқ! Мени қарзимдан қутқар! Мени фақирликдан бой қил!»*

Қарзи бор ва фақирликка учраган одамларга ушбу дуони ўқиб юриш тавсия этилади.

**“Қарз ва унга боғлиқ масалалар” китобидан**